

11-01/26-son

2 aprel 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши

БАЁНИ

2026 йил 30 март

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz* платформаси назоратидаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар, Давлат Раҳбарининг виртуал ва халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар ижроси);

2. Жорий йилнинг 1-чорагида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт ва ҳудудий инвестиция дастурларининг ижроси бўйича кутилаётган натижалар тўғрисида;

3. Вилоятдаги саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги корхоналар билан ишлаш бўйича Ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган ишлар натижалари ва келгусидаги режалар тўғрисида;

4. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мигрантлар билан ишлаш, маҳаллаларни ихтисослаштириш, томорқаларга ишлов бериш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

5. “Драйвер” лойиҳалар ва “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурлари (Хатирчи, Нурота туманлари ва 16 та маҳалла) ҳамда оғир туман (Навбаҳор ва Конимех) ва маҳаллалар (12 та) бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида;

6. Бошқа масалалар (Яшил макон, чигит экиш, эртанги экинлар, картошка экиш, галла парвариши, бетонлаштириш).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, А.Муллажонов, Б.Тоштемиров, У.Абдуллаев, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Д.Нишонов, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги март ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сонли қарорининг 23б-бандига асосан, 19,9 гектар ер участкасини “Навой саноатни ривожлантириш комплекси” махсус саноат паркига ажратиш, қарорнинг 7-илова 13-бандига асосан, яйлов ерлардан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда Покистон, Япония, Саудия Арабистони Подшоҳлиги сингари давлатлар тажрибасини жорий қилиш бўйича Дастурларни тасдиқлаш ва мазкур давлатларга сафарларни амалга топшириқлари ижроси таъминланмаса, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Э.Ғаффоров ва С.Ҳикматовларга нисбатан чора кўрилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарларига “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги апрель ойида бажарилиши белгиланган 187 та топшириқлари ижросини апрель ойининг 25 санасига қадар тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича барча зарур чораларни кўриш топширилди.

Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Абдуазизов)га ҳудудларда ўтказилаётган қабуллар натижадорлигини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи таркибини шакллантириб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимига киритиши ҳамда ҳар икки ҳафтада ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган йиғилишларга танқидий-таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, киритиб борилиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда вилоятни 2026 йил 1-чорак ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят Статистика бошқармаси (Ташназаров) билан биргаликда вилоятдаги йирик корхоналарнинг кўрсаткичлари таҳлилин вилоят ҳокимига киритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг 1-чорак қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун белгиланган прогнозларнинг бажарилишини ўз назоратига олиши бўйича вазифалар белгиланди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига Давлат активлари бошқармаси билан биргаликда 2024-2025 йилларда аукцион савдолари орқали тадбиркорлик фаолияти учун сотилган давлат улуши мавжуд объектларни хатловдан ўтказиб, мазкур объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиши қайд этилди.

Йиғилиш кун тартибида, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар фаолиятини ўрганиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди ҳамда масъулларга саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни ўрганиш ишларини тўлиқ якунига етказиш ва аниқланган муаммоларни кунлик вилоят “Штаби”га тақдим этиб бориши таъкидланди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га ва Саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ишлаш тизимини мувофиқлаштириш бўйича вилоят штаби (Раҳмонов)га вилоят даражасида ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларни тегишли корхона (ташкилот)ларга ўз вақтида етказиб, ижросини назоратга олиш, республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги республика Штабига киритиб бориш ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов ҳузурида ҳар ҳафтада камида бир маротаба муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Бундан ташқари, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар бўйича масъуллар ҳисоботи эшитилиб, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (Ражабов)га ҳамда вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳалла еттилиги ҳамда маҳаллаларга бириктирилган масъуллар билан ҳамкорликда камбағал оилаларнинг реал эҳтиёжларини аниқлаб, улар учун индивидуал режаларни тузилишини тўлиқ якунлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Қизилқумцемент” АЖ (Мельников)га Кармана тумани “Кумушкон” маҳалласидаги оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш ишларини ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган М-37 йўл бўйидаги дарахт кўчатларининг суғориш тизимларини жорий этилишини янада жадаллаштириши ва бу бўйича Кармана тумани ҳокими (Болтаев)га ушбу вазифалар ижросини ўз назоратига олиб, олиб борилган ишлар тўғрисида ҳар ҳафта якуни билан ҳисобот киритиб бориши қайд этилди.

Шу билан бирга, “Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати” ДМ (Юлдашов) “драйвер” лойиҳалар дастури доирасида эълонга чиқарилмаган 3 та объект, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар” дастури доирасида эълонга чиқарилмаган 5 та объект ҳамда “Оғир туман” дастури доирасида эълонга чиқарилмаган 2 та объект бўйича лойиҳачиларни аниқлаш ишларини якунига етказиш бўйича муддатлар белгилаб берилди.

Вилоятдаги буюртмачи ташкилот раҳбарларига (“Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати” ДМ, “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК, “Навоийсувқурилишинвест” ДМ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК) “драйвер” лойиҳалар, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар” ҳамда “Оғир туман” дастури доирасида ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича давлат экспертизаси хулосаларини олиш ҳамда барча объектларни пудратчи корхоналарни аниқлаш бўйича “Шаффоф қурилиш платформаси”га эълонга чиқариш топшириғи берилиб, ижроси назоратга олинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ниёзов)га ушбу масалалар бўйича кунлик сўров тизимини йўлга қўйиб, аниқланган муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш бўйича амалий кўмаклаш топширилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) жорий йилнинг **1 апрелига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сонли қарорининг 23б-бандига асосан, 19,9 гектар ер участкасини “Навоий саноатни ривожлантириш комплекси” махсус саноат паркига ажратиш, қарорнинг 7-илова 13-бандига асосан, яйлов ерлардан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда Покистон, Япония, Саудия Арабистони Подшоҳлиги сингари давлатлар тажрибасини жорий қилиш бўйича Дастурларни тасдиқлаш ва мазкур давлатларга сафарларни амалга топшириқлари ижроси таъминланмаса, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Э.Ғаффоров ва С.Ҳикматовларга нисбатан навбатдаги интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича фармойиш лойиҳасини тайёрлаб, киритсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги апрель ойида бажарилиши белгиланган **187 та** топшириқлари ижросини **апрель ойининг 25 санасига қадар** тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

Назорати **Ш.Намозовга**.

3. Навоий шаҳридаги 24 та ташкилот раҳбарлари томонидан аҳоли муаммолари бўйича тасдиқланган режа-жадвалга асосан маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказилмаганлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) жорий йилнинг 1 апрелига қадар 24 та ташкилот томонидан ҳудудларда 62 та сайёр қабуллар ўтказилишини шахсан назоратга олиб, асословчи ҳужжатларни (*протокол, расми ва ҳ.к.*) вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (**Авезов**), Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**) **жорий йилнинг 1 апрелида** ушбу топшириқ ижросининг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси юзасидан вилоят ҳокимига ахборот берсин.

4. Навбаҳор тумани ҳокимлиги (**Рашидов**) ва Нурота тумани ҳокимлиги (**Файзиев**) **жорий йилнинг 1 апрелига қадар** туман ташкилотлари томонидан Навбаҳор туманидаги 16 та ва Нурота туманидаги 6 та сайёр қабуллар ўтказилишини ташкил қилиб, натижаси бўйича (*асословчи ҳужжатлар билан бирга*) вилоят ҳокимлигига ахборот берсин.

5. Хатирчи тумани ҳокими **У.Адизов**, Навоий шаҳар ҳокими **Д.Эргашев**, Навбаҳор тумани ҳокими **А.Рашидов**, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Қ.Ражабов**, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи **М.Мамадиярова**, Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Д.Нишонлар** томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб бораётган фаолияти қониқарсиз эканлиги **алоҳида кўрсатиб ўтилсин.**

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**) **жорий йилнинг 1 апрелига қадар** жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинган мурожаатларнинг ижобийлик даражасида кескин ўзгариш қилинмаса, юқорида номлари келтирилган масъулларга нисбатан чора қўллаш бўйича тегишли ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаб киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали йўлланган мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Навоий шаҳрида 489 тага, Хатирчи туманида 227 тага, Зарафшон шаҳрида 191 тага ва Навбаҳор туманида 179 тага кўпайганлиги;

Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (10 фоиз), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (4 фоиз), Ижтимоий ҳимоя агентлигининг вилоят бошқармаси (16 фоиз), Мактабгача ва мактаб таълим бошқармаси (24 фоиз), “Навоийуран” ДК (25 фоиз), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси (27 фоиз), “Навоий сув таъминоти” АЖ (28 фоиз), Касбий таълим бошқармаси (28 фоиз), Хатирчи тумани ҳокимлиги (14 фоиз), Навбаҳор тумани ҳокимлигида (38 фоиз) келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал қилиш даражаси пастлиги;

ижобий ҳал этиш даражасини ошириш мақсадида, тушунтириш бериш орқали назоратдан ечилган мурожаатларни қайта ўрганиш ишлари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**)да 329 та, Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (**Тоштемиров**)да 219 та, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**)да 288 та, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**)да 258 та, Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облоқулов**)да 233 та, Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**)да 219 та, Марказий банк вилоят бошқармаси (**Шаропов**)да 207 та, "Навоий кон-металлургия комбинати"

АЖда 160 та, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**)да 131 та ва Солиқ бошқармаси (**Назаров**)да 110 та мурожаатлар қайта ўрганилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда қатъий огоҳлантирилсин.

Бир ҳафта муддатда ушбу мурожаатларни қайта ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этиш даражасини ошириш чораларини кўрсин ҳамда бир ҳафталик ўзгариши тўғрисида вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

Назорати **Қ.Абдуазизовга**.

7. Зарафшон шаҳар (Раҳманов), Учқудуқ тумани (Елмуратов) ҳокимлари Зарафшон шаҳар “Тинчлик” маҳалласида яшовчи фуқаро Л.Ҳофизованинг, Учқудуқ тумани “Турон” маҳалласида яшовчи фуқаро Р.Раҳимов ва “Дўстлик” маҳалласида яшовчи фуқаро Алимованинг иш сўраб йўллаган мурожаатларини ҳамда Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) “Фаровон” маҳалласида яшовчи фуқаро З.Бекмуродова ва “Тамабахрин” маҳалласида яшовчи фуқаро О.Жабборовнинг, Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) “Чуя” маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳ.Қўшатованинг Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) “Бунёдкор” маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳ.Қодировнинг мурожаатларини **беш кун муддатда** ижобий қаноатлантириб, натижаси тўғрисида вилоят ҳокимлиги ва Халқ қабулхонасига маълумот киритсин.

8. Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Абдуазизов):

икки кун муддатда ҳудудларда ўтказилаётган қабуллар натижадорлигини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи таркибини шакллантириб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимига киритсин;

ҳар икки ҳафтада ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган йиғилишларга танқидий-таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, киритиб борилиши таъминлансин.

9. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов) бир кун муддатда вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда сабабсиз иштирок этмаганлиги, ўзига юклатилган вазифаларга совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи **С.Назаровдан “тушунтириш хати”** олинсин.

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), Статистика бошқармаси (Ташназаров) бир кун муддатда вилоятдаги йирик корхоналарнинг кўрсаткичлари таҳлилини вилоят ҳокимига олиб кирсин.

11. Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Кармана, Қизилтепа, Навбаҳор, Учқудуқ туманлари ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари **уч кун муддатда** 2026 йилнинг январь-февраль ойларида саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайтирган корхоналар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ҳамда 1-чорақда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича барча зарурий чора-тадбирларни кўрсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) ушбу топшириқ ижросини шахсан ўз назоратига олиб, **кунлик сўров олиб борсин**.

Жорий йил 1-чорак якуни бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини таъминламаган соҳага масъул раҳбарларга нисбатан кескин хулоса қилиниши белгилаб қўйилсин.

12. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов) туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг 1-чорак қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун белгиланган прогнозларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиши;

уч кун муддатда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан статистика органларига жорий йилнинг 1-чорак якунлари бўйича ҳисоботлар тўлиқ тақдим этилиши, жумладан чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари, шунингдек мавжуд чорва моллари ва паррандаларнинг ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилиши бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

13. Шаҳар, туман ҳокимлари жорий йилнинг 1-чорагида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича белгиланган прогноз-топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан **шахсан ўзлари шуғулланишлари** бўйича қатъий огоҳлантирилсин.

14. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров):

туман (шаҳар) ҳокимларидан январь-март ойлари учун белгиланган режа кўрсаткичлар ижросини тўлиқ бажариш чораларини кўрсин;

вилоят статистика бошқармаси (**Ташназаров**) билан биргаликда вилоятнинг хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўрсаткичларини статистик ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилишини таъминласин.

15. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

Давлат активлари бошқармаси билан биргаликда **уч кун муддатда** 2024-2025 йилларда аукцион савдолари орқали тадбиркорлик фаолияти учун сотилган **31 та** (*Зарафшон шаҳрида 2 та, Қизилтепада 8 та, Конимехда 7 та, Томдида 6 та, Нуротада 4 та, Навбахорда 1 та*) давлат улуши мавжуд объектларни хатловдан ўтказиб, мазкур объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этсин;

ҳудудларига бириктирилган тижорат банклари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ишга тушмаслик хавфи мавжуд лойиҳалар ҳисобига яратилмай қолиши мумкин бўлган иш ўринларидан кам бўлмаган, жорий йилда ишга тушадиган лойиҳа таклифларини пухта шакллантириб, тасдиқланган тармоқ жадваллари билан вилоят ҳокимлиги (Э.Ғаффоров)га тақдим этсин.

16. Шаҳар ва туман ҳокимлари:

уч кун муддатда 2026 йил I чорак якунига қадар белгиланган прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажариш, шунингдек, йўл қўйилган қалоқликларни кейинги ой прогноз кўрсаткичларига қўшган ҳолда кунлик экспортга юклаш графигини ишлаб чиқсин;

орқада қолаётган ҳудудлар (*Учқудуқ, Навоий шаҳар, Нурота, Зарафшон*) кесимида кунлик мониторинг тизими жорий этилсин. Чорак якуни бўйича экспорт кўрсаткичлари паст ҳудудлар раҳбарлари ҳисоботи эшитилиши белгилаб қўйилсин; экспортёр корхоналар билан ишлашни кучайтириш ва тизимли ишлар олиб борсин;

экспорт қилмаётган 27 та корхона ва экспорт ҳажмини камайтирган 17 та корхона билан алоҳида ишлаб, уларнинг муаммоларини бирма-бир ўрганиб **ўн кун муддатда** бартараф этиш чоралари қўрилсин;

экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан ишлашни янада кучайтириш, истиқболли ташқи бозорларни аниқлаш ва улар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, хорижий давлатларда ҳамда республикамызда ўтказилиши режалаштирилган халқаро форумлар, кўргазмалар ва бизнес тадбирларда маҳаллий тадбиркорлар иштирокини таъминлаш орқали янги экспорт шартномаларини шакллантириш, экспорт ҳажмини ва турларини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклансин;

ҳудудда фаолият юритаётган саноат корхоналари билан жойига чиққан ҳолда бирма-бир шуғулланиб, экспортга чиқариш имкониятларини тўлиқ ўрганиб, **ўн кун муддатда** янги корхоналарни экспортга жалб қилиш чораларини кўрсин.

17. Қуйидагилар 2025 йил учун 1-КОРХОНА йиллик ҳисоботи бўйича вилоятдаги фаолият юритаётган микрофирма ва кичик корхоналар томонидан статистика органларига **жорий йилнинг 1 апрелига қадар** ҳисоботларни топширилишини қатъий назоратга олсин:

вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Жумаев, Рахмонов**) саноат ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Шодиев**) қурилиш йўналиши бўйича;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳалари бўйича.

Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳудудлардаги кичик бизнес субъектлари томонидан ҳисоботлар тақдим этилишини юқоридаги каби туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари кесимида ишларни ташкил қилсин.

18. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) 1-чорак якуни билан экспорт режасини тўлиқ бажармаган шаҳар ва туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига тегишли таъсир чоралар кўрилиши бўйича таклифларини вилоят ҳокимига киритсин.

19. Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни ўрганишга масъуллар ҳамда туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари:

бир ҳафта муддатда ҳудудлардаги ўрганилиши режалаштирилган саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни ўрганиш ишларини тўлиқ якунига етказсин;

ўрганиш жараёнида аниқланган муаммоларни **кунлик** вилоят “Штаби”га тақдим этиб борсин;

аниқланган муаммолардан тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тезкор чоралар кўриш ва натижаси тўғрисида **кунлик** вилоят “Штаби”га ахборот киритиб бориш чоралари кўрилсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

20. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ишлаш тизимини мувофиқлаштириш бўйича вилоят штаби (**Рахмонов**):

вилоят даражасида ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларни тегишли корхона (ташкилот)ларга ўз вақтида етказиб, ижросини назоратга олсин;

республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги республика Штабига киритиб борсин;

вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Р.Сулаймонов** ҳузурида **ҳар ҳафтада камида бир маротаба** муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилсин;

ҳар ҳафта якуни билан олиб борилган ишлар натижадорлиги юзасидан таҳлилий маълумотларни вилоят ҳокимига киритиб борсин.

21. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Қизилтепа тумани “Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи оила Т.Одинаевнинг индивидуал дастурига киритилган муаммолари ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги учун ушбу маҳалладаги камбағаллик реестрига киритилган оилаларга бириктирилган “Ўзэнергоинспекция” Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Ражабовдан белгиланган тартибга кўра **“тушунтириш хати”** олинсин.

“Ўзэнергоинспекция” Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси (**Шомуродов**) **беш кун муддатда** ушбу оиланинг индивидуал дастурига киритилган (*турмуш ўртоғи Ж.Салимов бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, фарзандини мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш*) муаммоларини ҳал қилиб, натижаси тўғрисида вилоят ҳокимлигига киритсин.

22. АТ “Ипотека банк” вилоят филиали (**Ҳамроев**) **уч кун муддатда** ўзи масъул бўлган Навбаҳор тумани “Қизилрабoт” маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал оилалар Ш.Чориева, С.Мардонова ва унинг турмуш ўртоғи Ф.Баҳромовларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиб, натижаси бўйича ахборот берсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (**Шаропов**) **уч кун муддатда** ушбу топшириқ бажарилмаса, Д.Ҳамроевга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда чора қўллаш бўйича республика бошқарувига тақдимнома киритсин.

23. Туман (шаҳар) ҳоқимларининг биринчи ўринбосарлари молиявий хизматлар кўрсатилмаган 101 та маҳалладаги камбағал оилаларни тўлиқ қамраб олиш, уларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва ссудалар ажратиш чораларини кўрсин.

24. Хатирчи туманидаги “оғир” тоифадаги “Каттасой” маҳалласида яшовчи камбағаллик реестридаги 63 та оилаларга молиявий хизматлар кўрсатилмаганлиги учун ушбу маҳаллага бириктирилган АТБ “Микрокредитбанк” вилоят филиали бошқарувчиси **Э.Акрамов** ҳамда туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари **У.Бахриддиновлар** огоҳлантирилсин.

Бир ҳафта муддатда ушбу “оғир” тоифадаги маҳаллада яшовчи камбағал оилаларнинг муаммоларини ҳал қилиб, бир ҳафталик ўзгариш натижалари тўғрисида вилоят ҳоқимлигига маълумот киритсин.

25. “Оғир” тоифадаги маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар маҳаллаларга борган ҳолда, маҳаллалардаги ишсизлар ҳамда камбағал оилалар билан учрашиб уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафтада** вилоят ҳоқимлигига маълумот киритиб борсин.

26. Навоий шаҳар (**Эргашев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Томди (**Умаров**) туманлари ҳоқимларига камбағал оилаларнинг индивидуал режаларини тузиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) туман (шаҳар) ҳоқимликлари, маҳалла еттилиги ҳамда маҳаллаларга бириктирилган масъуллар билан ҳамкорликда камбағал оилаларнинг реал эҳтиёжларини аниқлаб, улар учун индивидуал режаларни тузилишини ўз назоратига олсин ва амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳоқимлигининг навбатдаги йиғилишига таҳлилий маълумотлар киритсин.

27. “Қизилқумцемент” АЖ (**Мельников**):

Кармана тумани “Кумушкон” маҳалласидаги оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш ишларини;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган М-37 йўл бўйидаги дарахт кўчатларининг суғориш тизимларини жорий этилишини янада жадаллаштирсин.

Кармана тумани ҳоқими (**Болтаев**) ушбу вазифалар ижросини ўз назоратига олиб, олиб борилган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта якуни билан** ҳисобот киритиб борсин.

28. Вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**) вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалалари бўйича бириктирилган масъуллар томонидан бириктирилган оилаларга кўрсатилган ёрдамлар ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳоқимига таҳлилий маълумот (видеолавҳалар билан бирга) киритсин.

29. Туман (шаҳар) ҳоқимлари, маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ўз ҳудудидаги ишсиз ёшлар бандлигига шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари (**Ходжаев**) ушбу масала бўйича талабчанликни янада кучайтириб, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган режаларни тўлиқ бажариш чораларини кўрсин ҳамда **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳоқимиغا таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

30. Вилоят ҳоқимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов**) **жорий йилнинг 2 апрель куни** вилоят ҳоқими ҳузурида “драйвер” лойиҳалар, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги” туман, маҳаллар, оғир тоифадаги туман ва маҳаллар бўйича пудратчи ташкилотлар ва лойиҳачилар томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан муҳокама йиғилишини ташкил қилсин.

31. “Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати” ДМ (**Юлдашов**) **икки кун муддатда “драйвер”** лойиҳалар дастури доирасида эълонга чиқарилмаган **3 та** объект, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар” дастури доирасида эълонга чиқарилмаган **5 та** объект ҳамда “**Оғир туман**” дастури доирасида эълонга чиқарилмаган **2 та** объект бўйича лойиҳачиларни аниқлаш ишларини якунига етказиб, натижаси бўйича вилоят ҳоқимлигига маълумот киритсин.

32. “Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати” ДМ (**Юлдашов**), “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (**Исмоилов**), “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (**Назаров**), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Зарипов**), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК (**Тураев**) “драйвер” лойиҳалар, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар” ҳамда “Оғир туман” дастури доирасида:

бир ҳафта муддатда ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича давлат экспертизаси хулосаларини олиш;

10 апрелдан бошлаб барча объектларни пудратчи корхоналарни аниқлаш бўйича “Шаффоф қурилиш платформаси”га эълонга чиқариш;

жорий йилнинг 25 апрелидан бошлаб барча объектларда қурилиш ишларини бошлаш чораларини кўрсин.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов**) ушбу масалалар бўйича **кунлик сўров** тизимини йўлга қўйиб, аниқланган муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш бўйича амалий кўмаклашсин.

33. Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**)дан 2026 йилги пахта ҳосили учун чигит экиш ишлари ҳаққонийлигини ўрганиш ҳамда камчиликларга йўл қўйган ва ёлғон маълумотларни киритган масъулларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш сўралсин.

34. Қуйидагиларга:

вилоят ҳоқимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) фермер хўжаликлари ва пахта-ғаллачилик кластерларнинг далалари четларида ихота барпо қилиш бўйича белгиланган режа Нурота (13 фоиз), Конимех (12 фоиз), Навбаҳор (92 фоиз) туманларида;

Экология ва иқлим ўзгариши бошқармаси (**Болтаев**) саноат корхоналари томонидан "яшил белбоғ"лар барпо этиш режаси Навоий шаҳар (73 фоиз) ва Томди туманида (60 фоиз) ҳамда чиқинди полигонлар атрофида ихота дарахтзорларни барпо этиш режаси Конимех (40 фоиз), Томди (50 фоиз) туманларида;

Марказий банк вилоят бошқармаси (**Шаропов**) тижорат банкларига дарахт кўчатлари экиш бўйича белгиланган режа Ғозгон шаҳар (50 фоиз) ва Хатирчи (36 фоиз), Учқудуқ (57 фоиз) туманларида тўлиқ бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ниёзов, Ҳикматов**) тегишли корхона (ташкilot) раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** юқорида қайд этилган камчиликларни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўрсин.

35. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда М-37 халқаро автомобиль йўли бўйида экилган дарахт кўчатларини суғориш тизимларини ўрнатиш ишларини жадаллаштирсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

36. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф. Эшбоев

BWG0115

BWG0115